

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари кенг муҳокама этилмоқда.

Жорий йил 23 майда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ушбу қонун, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини биринчи ўқишда маъқуллади. Айтилган пайтда ишчи гуруҳи келиб тушаётган таклифларни инобатга олиб, депутатлар томонидан кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун ҳужжатнинг мукамал вариантини тайёрламоқда.

Ишчи гуруҳи раҳбари – Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси Бахтиёр Иминовнинг таъкидлашича, мазкур қонунлар лойиҳаларини кенг жамоатчилик ўртасида манфаатдор вазирлик ва идоралар, акциядорлик жамиятлари, партия электорати вакиллари билан биргаликда муҳокама қилиш, шунингдек жойлардан келиб тушаётган таклиф ва тавсияларни умумлаштириш мақсадида ҳар бир ҳудудда давра суҳбатлари ҳамда семинарлар ташкил этилмоқда. Тадбирларда билдирилган таклиф ва тавсиялар қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш ва улар қабул қилингандан сўнг ижроси-

ни самарали таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Ишчи гуруҳи йиғилишида мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш мазкур қонун лойиҳасининг муҳим вазифаси экани таъкидланди. Бу борада АЖларни ташкил этиш, уларнинг низом жамғармасини шакллантириш, қимматли қоғозларнинг бозор қийматини белгилаш, жамиятлар акцияларини оммавий таклиф этиш орқали жойлаштириш, шунингдек бошқарув органларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш масалаларини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳар бир АЖнинг бошқарув органлари тузилмасида махсус орган – миноритар акциядорлар қўмитасини ташкил этиш шартлиги тўғрисидаги модда янги тахрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг муҳим янгиликларидан бири бўлади. Миноритар акциядорлар мурожаатларини

кўриб чиқиш, жамиятнинг миноритарлар қонуний манфаатларига зид битимлари бўйича хулосалар бериш қўмитанинг асосий вазифасидир. Шу билан бирга, АЖнинг битимларни очиқ-ошкора амалга оширишига доир нормалар ҳам кўзда тутилмоқда. Бунга битимлар тўғрисидаги ахборотни батафсил очиб бериш учун талаб қўйиш, уларни мустақил аудитор ташкилотларнинг ўрганиб чиқиши ва тегишли хулосалар тақдим этиш орқали эришилади.

Ишчи гуруҳи «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқди. Мазкур қонун лойиҳаси айрим қонун нормаларини қонунчиликка киритилаётган янги тузатишларга мослаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ СИНОВЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

Бухоро ва Самарқанд вилоятларида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормалари синовдан ўтказилмоқда. Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ўртасида ташкил этилган онлайн-видеоконференцияда ушбу ҳуқуқий тажрибани амалга ошириш жараёни муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси Президентимиз И.Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедураларини белгилайди, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлар тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлашни кўзда тутди. Ҳуқуқий тажриба мазкур ҳужжатнинг у ёки бу нормаси амалда қандай самара бериши ҳақида билиш имконини беради.

Тадбирда Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳуқуқий тажриба ўтказиш тартибига биноан, жорий йилнинг май ойидан ноябрь ойигача қонун лойиҳаси

талабларига мос янги тартибда ишлаши қайд этилди. Масалан, янги талабларга кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кун ичида, ОАВнинг тажриба субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервью ташкил қилиш ҳақидаги талаби эса 7 кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқиши шарт.

Жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларини қонуннинг қандай синовдан ўтказилаётгани, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларидан ахборот олиши бўйича янги имкониятлар ҳақида кенг хабардор қилиш мақсадида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида фуқаролар иштирокида 120 дан зиёд учрашув ўтказилган. Ушбу вилоятлар ҳокимликлари ва бошқа давлат органлари бошқарув аппарати ходимларига ҳуқуқий тажриба ўтказиш қоидалари юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ишчи комиссияси аъзоларининг сўзларига кўра, тажриба яқиндан буён ўтказилаётган бўлса-да, ушбу

ҳудудларда фуқароларнинг сиёсий ва ахборот олиш фаоллиги ошгани, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ёзма ҳамда оғзаки мурожаатлар сони кўпайгани кузатилмоқда. Статистика шуни кўрсатадики, 2013 йилнинг II чорагида бундай мурожаатлар сони I чорақдагига нисбатан икки баробар ошган ва бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 1 514, Бухоро вилоятида эса 1 230 тани ташкил қилди.

Яқинда эса legalexperiment.uz манзили бўйича лойиҳанинг «Ҳуқуқий тажриба» деб номланган веб-сайти ишга туширилди. Бунинг натижасида жамоатчиликни ҳуқуқий тажриба ўтказиш тўғрисида мунтазам хабардор қилиб бориш, қонун лойиҳаси нормаларини модда-модда муҳокама қилиш, тажриба ўтказиш билан шуғулланаётган ҳокимият органлари вакиллари рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларнинг саволларини юбориш имконияти пайдо бўлди. Матбуот анжуманида иштирокчиларга ушбу сайтда ОАВни аккредитациядан ўтказиш тартиблари ва долзарб ахборот олиш имкониятлари ҳақида йўл-йўриқлар берилди.

Конференцияда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

ЎЗА материаллари асосида.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан pota.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

АВИАЧИПТАЛАР РЕЗИДЕНТЛАРГА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА СОТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 28.06.2013 йилдаги Халқаро авиаташишлар хизматларини реаллаштира қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирларига доир 189-сон қарорига мувофиқ миллий авиаташувчилар 2013 йил 15 июлдан бошлаб Ўзбекистон резидентларига авиачипталарни, жўнатишнинг бошланғич пункти Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳолларда ҳам, чет эл валютасида сотишга ҳақлиқар.

Бунда ҳужжат билан миллий авиаташувчилар авиачипталарни, агар жўнатишнинг бошланғич пункти республика ҳудудида жойлашган тақдирда, миллий валютада сотадиган шахсларнинг 8 тоифаси белгиланган. Булар:

1941–1945 йиллардаги уруш иштирокчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар;

1941–1945 йиллардаги уруш йилларида фидокорона меҳнат ва нуқсонсиз аскарлик хизмати учун орден ва медаллар билан мукофотланган шахслар;

биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлари ва уларни кузатувчи шахслар;

болалиқдан ногиронлар ва уларни кузатувчи шахслар;

даволанишга хорижга кетаётган шахслар – ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий маслаҳат комиссияси ёки ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган маълумотнома асосида;

туғишган қариндошларини дафн этишга бораётган шахслар – телеграмма асосида;

олий ўқув юртларининг таклифи/йўлланмаси бўйича ўқишга бораётган шахслар;

Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатиш иштирокчилари.

Эслатиб ўтамиз, Вазирлар Маҳкамасининг 19.12.2012 йилдаги

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



357-сон Қарорига кўра 2013 йил 1 январдан бошлаб республика ҳудудида авиачипталарни чет эл валютасида, шу жумладан трансферт ташишда, резидентлар ва норезидентлар учун реализация қилиш, жўнатиш пункти ва тайинланган пунктдан қатъи назар, чет эллик авиаташувчилар, уларнинг ваколатхоналари ва агентларига, миллий авиаташувчиларга эса фақат норезидентлар учун авиаташишларнинг жўнатиш пункти ва тайинланган пунктлардан қатъи назар, рухсат берилган.

Қабул қилинган 189-сон қарор билан авиачипталарни нақд пулга ҳамда халқаро пластик карталарнинг ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали реализация қилиш тартиби белгиланган.

Улар қийматини халқаро пластик карталар воситасида тўлаган ҳолда авиачипталарни чет эл валютасида харид қила оладиган шахсларнинг рўйхати чекланган. Мазкур ҳуқуққа фақат карталарнинг эгалари ва уларнинг оила аъзолари (бобо, буви, ота, она, эр, хотин, болалар) эга бўлиб, улар резидент (норезидент) шахсини тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Жисмоний шахс томонидан нақд чет эл валютасига авиачипталар харид қилганида тўлов суммаси яхлит чет эл пул бирлигига катта томонга яхлитланади ва тўлов валютасида тўланади. Тегишли қайтим битим амалга оширилган санада Марказий банк курси бўйича миллий валютада берилади.

Нақд чет эл валютасига харид қилинган авиачипталарнинг қиймати қайтарилишида ҳам худди шундай тартиб ўрнатилган. Бироқ мазкур ҳолда қайтариш тўлов валютасида амалга оширилади.

Меъёрдан ортиқча багаж, шунингдек авиачипталарни қайта бронлаш ёки қайта расмийлаштиришни резидент ва норезидентлар миллий валютада тўлайдилар. Бунда жарима санкциялари ва тарифларга қўшимча тўловлар тўлов валютасида ундирилади.

Нақд пулсиз шаклда тўлов чоғида фойдаланилмаган ташиш учун маблағлар йўловчиларга маблағларни тўлов амалга оширилган тўловчининг ҳисобрақамига ўтказиш йўли билан тўлов валютасида қайтарилади.

Юридик шахслар (резидентлар ва норезидентлар) томонидан ўз ходимлари учун авиачипталар харид қилинганда тўлов валютаси авиачипта расмийлаштириладиган ходимларнинг (жисмоний шахсларнинг) резидентлиги мақомидан келиб чиқиб белгиланади. Резидентлик мақоми «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади.

Резидентлар бўлиб, ушбу Қонунга кўра,

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади. Шахснинг резидентлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларга қуйидагилар киритилган: паспорт, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, зобитнинг ҳарбий билети ёки шахсини тасдиқловчи гувоҳнома (ҳарбий хизматчилар учун – контракт бўйича ҳарбий хизматчининг шахсини тасдиқлайдиган гувоҳнома).

Авиачипталар хизматларини реализация қилувчи агентлик тармоқларининг тегишли ҳисоб-китоб терминаллари билан таъминланиши белгиланган.

Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси ўзининг сайтида хабар қилишича, мазкур қарор шартларининг амал қилиши 2013 йил 15 июндан бошлаб фақат МАКнинг Россия Федерациясига доир рейсларига татбиқ этилади. Қолган халқаро йўналишлар авиачипталарини чет эл валютасида сотишга ўтказиш тўғрисида қўшимча равишда хабар қилинади.

ЁҚИЛГИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 июлдаги 193-сон «Хоразм вилояти истеъмолчиларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, Давлат рақобат кўмитаси, Иқтисодиёт, Молия, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигининг Хоразм вилоятининг чакана ва улгуржи табиий газ истеъмолчиларининг бир қисмини 2013 йил охиригача, қаттиқ ёқилғи бугқозон агрегатларини ва тегишли газ приборларини ўрнатган ҳолда, кўмрдан (брикетланган кўмрдан) ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газдан фойдаланишга ўтказиш таклифлари маъқулланди.

Қарор ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда кейинчалик уни республиканинг бошқа ҳудудларида жорий этиш, табиий газдан оқилона ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, истеъмол қилинаётган энергетика ресурслари таркибини истеъмолчиларни кўмрдан (брикетланган кўмрдан) ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газдан фойдаланишга ўтказиш ҳисобига янада диверсификациялаш мақсадида қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ Хоразм вилоятида қўшимча равишда «Хоразм кўмир етказувчи» УКнинг

кўмирни (брикетланган кўмирни) аниқ манзилли етказиб бериш бўйича 6 та филиалларини, маиший газ баллонларига газ тўлдириш бўйича 1 та газ тўлдириш станциясини, 3 та газ тўлдириш пунктларини ва маиший газ баллонларида суюлтирилган газни реализация қилиш бўйича 6 та туман сервис пунктларини ташкил этиш белгиланган.

«Ўзтрансгаз» АКнинг «Шимолгазтаъминот» УК ва «Ўзбеккўмир» ОАЖ раҳбарлари Хоразм вилояти истеъмолчиларига энергия ресурсларини етказиб беришдаги узилишлар учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилди.

Хоразм вилояти истеъмолчиларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлашга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Унда 2013 йил 1 августгача истеъмолчиларнинг бир қисмини кўмрдан (брикетланган кўмрдан) ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газдан фойдаланишга ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, 15 августгача эса истеъмолчиларни жадвалга мувофиқ ёқилғи-энергетика ресурсларидан янги тартибда фойдаланишга ўтказиш тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш белгиланган.

Қарор билан:

«Ўзбекэнерго» ДАК ва «Ўзбеккўмир» ОАЖга Хоразм вилоятига тўғридан-тўғри шартномага биноан, ҳар йили тасдиқланадиган жадвал бўйича камида 100,0 минг тонна ҳажмида кўмир етказиб берилишини; йилига камида 100,0 минг тонна брикетланган кўмир ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонанинг 2013 йил 1 августгача бўлган муддатда ишга туширилишини таъминлаш;

«Ўзбекнефтгаз» ХКга тўғридан-тўғри шартномалар бўйича суюлтирилган газнинг 2013 йилда 8,0 минг тонна ҳажмида ва кейинги йилларда ҳар йили тасдиқланадиган жадвал бўйича камида 16,0 минг тонна ҳажмида узлуксиз етказиб берилишини, 2013 йил 1 ноябргача Хоразм газ тўлдириш станциясини кенгайтириш ва йилига 15,0 мингта маиший газ баллонлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш йўли билан унинг қуввати кўпайтирилишини таъминлаш;

Молия вазирлигига брикетланган кўмир ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газнинг барча истеъмолчилар учун ягона чакана нархини шакллантириш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш топширилди.

Елена ЕРМОХИНА,
эксперт-юристимиз.

МДҲ ВА БОЛТИКБУИИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	15.07.2013	1	0,7845	1	1,0252	1	0,0240
Арманистон	13.07.2013	1	409,93	1	535,08	1	12,55
Беларусь	16.07.2013	1	8840,00	1	11540,00	1	271,00
Грузия	15.07.2013	1	1,6560	1	2,1611	100	5,0731
Қозоғистон	15.07.2013	1	152,44	1	198,78	1	4,67
Қирғизистон	16.07.2013	1	48,8934	1	63,6885	1	1,4988
Латвия	16.07.2013	1	0,538000	1	0,702804	1	0,016500
Литва	16.07.2013	1	2,6457	1	3,4528	1	0,081066
Молдова	15.07.2013	1	12,6396	1	16,4864	1	0,3860
Россия	16.07.2013	1	32,6220	1	42,6076	–	–
Тожикистон	15.07.2013	1	4,7679	1	6,0598	1	0,1475
Украина	15.07.2013	100	799,3000	100	1041,8076	10	2,4486
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 16 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1910,46	1 Польша злотийси	640,21
1 Англия фунт стерлинги	3176,60	1 СДР	3154,78
1 Дания кронаси	368,32	1 Туркия лираси	1077,46
1 БАА дирҳами	572,20	1 Швейцария франки	2220,50
1 АҚШ доллари	2101,48	1 ЕВРО	2705,28
1 Миср фунти	300,09	10 Жанубий Корея вони	18,74
1 Исландия кронаси	17,16	10 Япония иенаси	211,74
1 Канада доллари	2023,77	1 Россия рубли	64,38
1 Хитой юани	342,51	1 Украина гривнаси	262,92
1 Малайзия ринггити	659,91		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ
СОҢДА:

• ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

- Қонун лойиҳалари муҳокама этилди
- Қонун лойиҳаси синовларининг дастлабки натижалари

1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси
- 1-2-бетлар
- СОЛИҚ ТЎЛОВЧИГА ЁРДАМ
- 2013 йилнинг биринчи ярми учун ЖШДС, ЯИТ

ва сугурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шакллари тўлдиришга доир тушунтиришлар

3-6-бетлар

• ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

- Кексалик учун жамғаришми? – реал ҳол
- Агар пенсия ортиқча тўланса

7-8-бетлар

2013 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ УЧУН ЖШДС, ЯИТ ВА СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ БЎЙИЧА СОЛИҚ ҲИСОБОТИ ШАКЛЛАРИНИ ТЎЛДИРИШГА ДОИР ТУШУНТИРИШЛАР



«СБХ»нинг 2013 йил 16 июлдаги 28-сонида «Norma Ekspert» мутахассислари томонидан тайёрланган 2013 йилнинг биринчи ярми учун ЖШДС, ЯИТ ва суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шакллари тайёрлашга доир тушунтиришлар чоп этилган. Қуйидаги материалда экспертларимиз аниқ мисолда ЖШДС, ЯИТ ва суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шакллари қандай тўлдирилишини кўрсатиб берганлар.

ЖШДС, ЯИТ ВА СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ БЎЙИЧА СОЛИҚ ҲИСОБОТИ ШАКЛЛАРИНИ ТЎЛДИРИШГА МИСОЛ

Корхонанинг (микрофирманинг) асосий фаолият тури консалтинг хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. Корхонада 5 кунлик иш ҳафтаси ўрнатилган, ходимлар сони 10 киши, шу жумладан 1 нафар ўриндош. Ўриндош даромадларидан унинг аризасига кўра ЖШДС энг юқори ставкада (22%) ушланади. Ходимлар иш ҳақининг 50%и пластик карточкаларга ўтказилади.

Январда жисмоний шахс (корхона ходими эмас) билан автотранспортни вақтинча ижарага олиш шартномаси тузилди. Ижара ҳақи суммаси шартномага мувофиқ 300 000 сўм.

Февралда муассис жисмоний шахсга 9 000 000 сўм дивиденд ҳисобланди. У мартда тўланди: пул билан — 4 800 000 сўм, натура шаклида (автомобиль) — 4 200 000 сўм.

Ярим йил якунлари бўйича жисмоний шахсларга ҳисоблаб ёзишлар, ушлаб қолишлар ва тўловларга доир қуйидаги маълумотлар мавжуд:

1-ЖАДВАЛ

1.04.2013 йил ҳолатига сальдо	Сумма (сўм)
Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва суғурта бадалларини чегириган ҳолда жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича қарздорлик, шу жумладан:	4 042 144
солиқ солинадиган даромадлар	3 245 424
ШЖБПХ чегирилган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлаш бўйича қарздорлик	437 226
ШЖБПХга мажбурий бадаллар бўйича қарздорлик	46 050
Фуқароларнинг суғурта бадалларини тўлаш бўйича қарздорлик	276 300

Мазкур тушунтиришлар «Norma Ekspert» мутахассисларининг эксклюзив ишланмаси саналади. Уларни қайта босиш, шу жумладан электрон ОАВларда қайта босишга «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ ёки «Norma Ekspert» ХКнинг ёзма рухсатномаси билангина рухсат берилади.

Охири. Боши «СБХ»нинг 2013 йил 16 июлдаги 28 (988)-сонида.

Т/р	Ҳисоблаб ёзишлар, ушлаб қолишлар, тўловлар	I чорак учун жами	Ҳисобот даври ойлари			II чорак учун жами	Ярим йил учун жами ортиб борувчи яқун билан
			апрель	май	июнь		
1	Ходимнинг даромади сифатида қаралмайдиган иш берувчининг харажатлари (СК 171-моддасининг иккинчи қисми)*						
1.1	Белгиланган меъёр доирасида хизмат сафари харажатлари (суткалик пуллардан ташқари, ҳужжатлар билан тасдиқланган)	500 000	-	-	-	-	500 000
1.2	Белгиланган меъёр доирасида суткалик пуллар	79590	-	-	-	-	79590
1.3	Шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун белгиланган меъёр доирасида компенсация (ЭКИХнинг 2 баравари)	477 540	159 180	159 180	159 180	477 540	955 080
1.4	I-бўлим бўйича жами*	1 057 130	159 180	159 180	159 180	477 540	1 534 670
2	Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (СКнинг 172-175-моддалари)						
2.1	Ходимларнинг асосий иш жойи бўйича иш ҳақи	8 100 000	2 700 000	2 700 000	2 700 000	8 100 000	16 200 000
2.2	Ўриндошлик бўйича ишловчи ходимнинг иш ҳақи	450 000	150 000	150 000	150 000	450 000	900 000
2.3	Ходимларнинг асосий иш жойи бўйича мукофот	900 000	-	900 000	-	900 000	1 800 000
2.4	Меъёрдан ортиқча суткалик пуллар	70 410	-	-	-	-	70 410
2.5	Овқатланиш учун қўшимча тўловлар	2 700 000	990 000	990 000	900 000	2 880 000	5 580 000
2.6	Таътил пуллари	-	-	243 400	-	243 400	243 400
2.7	2-бўлим бўйича жами	12 220 410	3 840 000	4 983 400	3 750 000	12 573 400	24 793 810
3	Мулкӣ даромадлар (СКнинг 176-моддаси)						
3.1	Ижара ҳақи	900 000	300 000	300 000	300 000	900 000	1 800 000
3.2	Дивидендлар	9 000 000	-	-	-	-	9 000 000
3.2.1	шу жумладан натура шаклида (автотранспорт воситаси)	4 200 000	-	-	-	-	4 200 000
3.3	3-бўлим бўйича жами (3.1-банд+3.2-банд)	9 900 000	300 000	300 000	300 000	900 000	10 800 000
4	Моддий наф тарзидаги даромадлар (СКнинг 177-моддаси)						
4.1	Қимматбаҳо совға (солиқ солинадиган қисми – 122 460 сўм)	600 000	-	-	-	-	600 000
4.2	4-бўлим бўйича жами	600 000	-	-	-	-	600 000
5	Бошқа даромадлар (СКнинг 178-моддаси)						
5.1	Пенсия	480 000	160 000	160 000	160 000	480 000	960 000
5.2	Моддий ёрдам (ЭКИХнинг 8 баравари)	636 720	-	-	-	-	636 720
5.3	Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси	-	82 700	-	-	82 700	82 700
5.4	5-бўлим бўйича жами	1 116 720	242 700	160 000	160 000	562 700	1 679 420
6	Жисмоний шахсларнинг ҳисобланган жами даромади (2.7-банд + 3.3-банд + 4.2-банд + 5.4-банд)	23 837 130	4 382 700	5 443 400	4 210 000	14 036 100	37 873 230
7	ЖШДС бўйича имтиёзлар						
7.1	Солиқ даври учун ЭКИХнинг 12 баравари миқдоригача моддий ёрдам суммаси (СК 179-моддасининг 1-банди)	636 720	-	-	-	-	636 720
7.2	Юридик шахсдан олинган, солиқ даври мобайнида ЭКИХнинг 6 бараваригача миқдордаги қийматда ходимларга совғалар (СК 179-моддасининг 14-банди)	477 540	-	-	-	-	477 540
7.3	Давлат пенсиялари (СК 179- моддасининг 25-банди)	480 000	160 000	160 000	160 000	480 000	960 000
7.4	Муассис жисмоний шахснинг ўзи таъсис этган микрофирмадан олган дивидендлари (Президентнинг 29.12.2008 йилдаги ПҚ-1024-сон қарори 5-банди)	9 000 000	-	-	-	-	9 000 000
7.5	7-бўлим бўйича жами	10 594 260	160 000	160 000	160 000	480 000	11 074 260
8	ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база, жами (6-банд – 7.5-банд), шу жумладан:	13 242 870	4 222 700	5 283 400	4 050 000	13 556 100	26 798 970
8.1	энг кам ставкада солиқ солинадиган ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база (3.1-банд)	900 000	300 000	300 000	300 000	900 000	1 800 000
8.2	энг юқори ставкада солиқ солинадиган ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база (2.2-банд)	450 000	150 000	150 000	150 000	450 000	900 000
8.3	белгиланган ставкада солиқ солинадиган ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база (8-банд – 8.1-банд – 8.2-банд)	11 892 870	3 772 700	4 833 400	3 600 000	12 206 100	24 098 970

Т/р	Ҳисоблаб ёзишлар, ушлаб қолишлар, тўловлар	I чорак учун жами	Ҳисобот даври ойлари			II чорак учун жами	Ярим йил учун жами ортиб борувчи яқун билан
			апрель	май	июнь		
9	Сугурта бадаллари ва ЯИТ бўйича солиқ солинадиган база (2.7-банд)	12 220 410	3 840 000	4 983 400	3 750 000	12 573 400	24 793 810
10	Ҳисоблаб ёзилган ЖШДС, жами (10.1-банд + 10.2-банд + 10.3-банд), шу жумладан:	1 214 287	374 108	543 820	346 476	1 264 404	2 478 691
10.1	энг кам ставкада солиқ солинадиган даромадлар бўйича ҳисоблаб ёзилган ЖШДС (ижарага беришдан даромадлар) (8.1-банд x 8%)	72 000	24 000	24 000	24 000	72 000	144 000
10.2	энг юқори ставкада солиқ солинадиган даромадлар бўйича (ўриндош иш ҳақи) ҳисоблаб ёзилган ЖШДС (8.2-банд x 22%)	99 000	33 000	33 000	33 000	99 000	198 000
10.3	белгиланган ставкада солиқ солинадиган даромадлардан (8.3-банд) ҳисоблаб ёзилган ЖШДС (шартли равишда)	1 043 287	317 108	486 820	289 476	1 093 404	2 136 691
11	ШЖБПХга ҳисоблаб ёзилган мажбурий бадаллар (2.7-банд + 4.1-банд + 5.3-банд - 7.2-банд) x 1%	123 429	39 227	49 834	37 500	126 561	249 990
12	ШЖБПХга ҳисоблаб ёзилган бадалларни чегирган ҳолда ҳисоблаб ёзилган ЖШДС (10-банд - 11-банд)	1 090 858	334 881	493 986	308 976	1 137 843	2 228 701
13	Фуқароларнинг ҳисоблаб ёзилган сугурта бадаллари (9-банд x 6%)	733 225	230 400	299 004	225 000	754 404	1 487 629
14	Ҳисоблаб ёзилган ЯИТ (9-банд x 25%)	3 055 103	960 000	1 245 850	937 500	3 143 350	6 198 453
15	ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТЎЛАНИШИ КЕРАК						
15.1	Жисмоний шахс даромади ҳисобланган тўловлар (СКнинг 172-178-бандлари) (6-банд - 10-банд - 13-банд)	21 889 618	3 778 192	4 600 576	3 638 524	12 017 292	33 906 910
15.2	Жисмоний шахс даромади ҳисобланмаган тўловлар (1.4-банд)	1 057 130	159 180	159 180	159 180	477 540	1 534 670
16	ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТЎЛАНГАН ДАРОМАДЛАР						
16.1	Жами тўланган, шу жумладан:	19 255 974	4 942 144	3 778 192	4 600 576	13 320 912	32 576 886
	пул маблағлари билан тўловлар:	14 335 974	4 882 144	3 718 192	4 540 576	13 140 912	27 476 886
16.2	иш ҳақи тўлаш учун нақд пул маблағлари билан	4 156 781	2 193 072	1 611 096	2 022 288	5 826 456	9 983 237
	пластик карточкаларга ўтказилган суммалар	4 276 783	2 253 072	1 671 096	2 082 288	6 006 456	10 283 239
	пенсия	480 000	160 000	160 000	160 000	480 000	960 000
	ижара ҳақи	552 000	276 000	276 000	276 000	828 000	1 380 000
	дивидендлар	4 800 000	-	-	-	-	4 800 000
	меъёрдан ортиқча суткалик пуллар	70 410	-	-	-	-	70 410
16.3	Жисмоний шахсларнинг даромадларидан ушлаб қолиш ва ўтказишлар (алиментлар)	120 000	60 000	60 000	60 000	180 000	300 000
16.4	Натура шаклида тўлов суммаси (совға, дивидендлар)	4 800 000	-	-	-	-	4 800 000

¹СК 171-моддаси иккинчи қисмига кўра жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмаган тўловлар Маълумотлар ва расишфровкаларда акс эттирилмайди.

3-ЖАДВАЛ

Операция	Ўтказиш санаси	Сумма (сўм)
Апрель ойида:		
Март учун ЖШДС ўтказилган	3 апрель	437 226
ЖШДС ҳисобига ШЖБПХга бадаллар ўтказилган		46 050
Март учун сугурта бадаллари ўтказилган		276 300
Март учун иш ҳақи пластик карточкаларга қайд этилган		2 253 072
Иш ҳақи ва моддий ёрдам (ЭКИХнинг 8 баравари) беришга пул маблағлари олинган	5 апрель	1 293 072
Пенсия тўлаш учун пул маблағлари олинган		160 000
Алиментлар ўтказилган		60 000
Жисмоний шахсга ижара ҳақи ўтказилган		276 000
Апрель ойи учун бўнак берилди	18 апрель	900 000
Апрель ойи учун СКнинг 172-178-моддаларига мувофиқ жисмоний шахсларга даромадлар ҳисоблаб ёзилди (2-жадвалнинг 6-банди)	30 апрель	4 382 700
ШЖБПХга мажбурий ажратмаларни чегирган ҳолда ЖШДС ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 12-банди)		334 881
ШЖБПХга мажбурий ажратмалар ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 11-банди)		39 227
Сугурта бадаллари ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 13-банди)		230 400

Операция	Ўтказиш санаси	Сумма (сўм)
Май ойида:		
Апрель учун ЖШДС ўтказилган	2 май	334 881
ЖШДС ҳисобига ШЖБПҲга бадаллар ўтказилган		39 227
Апрель учун суғурта бадаллари ўтказилган		230 400
Апрель ойи учун иш ҳақи пластик карточкаларга қайд этилган	6 май	1 671 096
Апрель ойи учун иш ҳақи беришга пул маблағлари олинган		711 096
Пенсия тўлаш учун пул маблағлари олинган		160 000
Алиментлар ўтказилган		60 000
Жисмоний шахсга ижара ҳақи ўтказилган	16 май	276 000
Бўнак берилди		900 000
Май ойи учун СКнинг 172–178-моддаларига мувофиқ жисмоний шахсларга даромадлар ҳисоблаб ёзилди (2-жадвалнинг 6-банди)	31 май	5 443 400
ШЖБПҲга мажбурий ажратмаларни чегирган ҳолда ЖШДС ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 12-банди)		493 986
ШЖБПҲга мажбурий ажратмалар ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 11-банди)		49 834
Суғурта бадаллари ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 13-банди)		299 004
Июнь ойида:		
Май ойи учун ЖШДС ўтказилган	3 июнь	493 986
ЖШДС ҳисобига ШЖБПҲга бадаллар ўтказилган		49 834
Май ойи учун суғурта бадаллари ўтказилган (6%)		299 004
Май ойи учун иш ҳақи пластик карточкаларга қайд этилган	4 июнь	2 082 288
Май ойи учун иш ҳақи беришга пул маблағлари олинган		1 122 288
Пенсия тўлаш учун пул маблағлари олинган		160 000
Алиментлар ўтказилган		60 000
Жисмоний шахсга ижара ҳақи ўтказилган	17 июня	276 000
Бўнак берилди		900 000
Июнь ойи учун СКнинг 172–178-моддаларига мувофиқ жисмоний шахсларга даромадлар ҳисоблаб ёзилди (2-жадвалнинг 6-банди)	28 июнь	4 210 000
ШЖБПҲга мажбурий ажратмаларни чегирган ҳолда ЖШДС ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 12-банди)		308 976
ШЖБПҲга мажбурий ажратмалар ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 11-банди)		37 500
Суғурта бадаллари ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 13-банди)		225 000

4-ЖАДВАЛ

Т/р	Кўрсаткичлар	Апрель	Май	Июнь
1	ЯИТнинг энг кам миқдори ҳисоб-китобида ҳисобга олинадиган ходимлар сони (ўриндош ходимни қўшганда)	10	10	10
2	Барча ходимлар томонидан (ўриндош ходимни қўшганда) амалда ишланган кунлар	210	220	200
3	МАИМКВ томонидан тасдиқланган иш вақти тақвими бўйича иш кунлари сони	22	22	20
4	Президент Фармони (9.11.2012 йилдаги ПФ-4482-сон) билан белгиланган энг кам иш ҳақи	79 590	79 590	79 590
5	ЯИТнинг энг кам миқдори (2-банд / 3-банд x 4-банд)	759 723	795 900	795 900
6	ЯИТнинг ҳисобланган суммаси (2-жадвалнинг 14-банди кўрсаткичлари бўйича)	960 000	1 245 850	937 500
7	Қўшимча ҳисобланган ЯИТ (5-банд – 6-банд)*	0	0	0

*Агар ҳисоб-китоб ойи учун ҳисобланган ЯИТ суммаси (6-банд) ЯИТнинг энг кам миқдоридан кўп ёки унга тенг бўлса (5-банд) қўшимча ҳисоблаш амалга оширилмайди.

Келтирилган маълумотларга асосланиб қуйидагиларни тўлдирамиз:

Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотлар;

2013 йил II чораги учун тўланган даромадлар ва ўтказилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда ШЖБПҲга бадаллар суммасининг расшифровкаси (бундан дивидендлар ва фоизлар мустасно) (Маълумотларга 1-илова);

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китоби (ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоб-китобига 3-илова);

**ҲИСОБЛАНГАН ВА АМАЛДА ТўЛАНГАН ДАРОМАДЛАР СУММАЛАРИ
ҲАМДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД
СОЛИҒИНИНГ УШЛАБ ҚОЛИНГАН СУММАЛАРИ ТўҒРИСИДАГИ
МАЪЛУМОТЛАР**

(йил бошидан ортиб борувчи яқун билан тўлдирилади)

(сўмда)

Т/р	Кўрсаткичлар	Сатрлар	Тўловчининг маълумотлари бўйича
1	Йил бошидан даромад олган жисмоний шахслар сони, жами (киши) шу жумладан:	001	11

T/p	Кўрсаткичлар	Сатрлар	Тўловчининг маълумотлари бўйича
1	Асосий иш жойи бўйича	002	9
	Асосий бўлмаган иш жойи бўйича	003	2
2	Ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси	004	37 873 230
2.1	Ундан моддий наф тарзида тўланган даромадлардан солиқ агенти билан меҳнатга оид муносабатларни ўрнатмаган жисмоний шахснинг ёзма аризасига кўра жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ушлаб қолинмаган даромадлар	005	0
3	Солиқ солишдан озод қилинган даромадларнинг умумий суммаси	006	11 074 260
4	Солиқ солинадиган даромадларнинг умумий суммаси (солиқ солинадиган база), шундан: (004-сатр – 005-сатр – 006-сатр)	007	26 798 970
4.1	– солиқ солиш шкаласи бўйича солиқ солинадиган даромадлар	008	24 098 970
4.2	– дивиденд ва фоиз тарзидаги даромадлар	009	0
4.3	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасида кўрсатилган, энг кам ставкада жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинадиган даромадлар	010	1 800 000
4.4	– жисмоний шахснинг ёзма аризасига кўра энг юқори ставкада жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинадиган даромадлар	011	900 000
5	Бюджетга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ҳисобланган умумий суммаси, шундан: (1-илованинг 5-устуни «Йил бошидан жами» сатри + 014-сатр)	012	2 228 701
5.1	– 008-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	013	1 895 701
5.2	– 009-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича (2-илованинг 3-устуни «Йил бошидан жами» сатри)	014	0
5.3	– 010-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	015	144 000
5.4	– 011-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	016	189 000
6	ШЖБПХга ҳисобланган бадалларнинг умумий суммаси (1-илованинг 4-устуни «Йил бошидан жами» сатри)	017	249 990
7	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва фуқароларнинг сугурта бадаллари чегирилган ҳолдаги ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси (004-сатр – 012-сатр – 017-сатр – фуқароларнинг ҳисобланган сугурта бадаллари суммаси)	018	33 906 910
8	Жисмоний шахсларга тўланган даромадларнинг умумий суммаси (1-илованинг 6-устуни «Йил бошидан жами» сатри + 2-илованинг 5-устуни «Йил бошидан жами» сатри)	019	32 576 886
9	Бюджетга тўланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг умумий суммаси (1-илованинг 12-устуни «Йил бошидан жами» сатри + 2-илованинг 8-устуни «Йил бошидан жами» сатри)	020	2 135 725
10	ШЖБПХга тўланган бадалларнинг умумий суммаси (1-илованинг 11-устуни «Йил бошидан жами» сатри))	021	239 490

Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларга
1-ИЛОВА

2013 ЙИЛ II ЧОРАГИ УЧУН ТўЛАНГАН ДАРОМАДЛАР ВА ўТКАЗИЛГАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ҲАМДА ШЖБПХга БАДАЛЛАР СУММАСИНИНГ РАСШИФРОВКАСИ (БУНДАН ДИВИДЕНДЛАР ВА ФОИЗЛАР МУСТАСНО)

Операцияларни содир этиш санаси (кк/оо)	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва фуқаролар сугурта бадаллари чегирилган ҳолда ҳисобланган даромадлар суммаси	Шулардан солиқ солинадиган даромадлар	ШЖБПХга ҳисобланган бадаллар суммаси	Бюджетга ҳисобланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси (ШЖБПХга бадаллар чегирилган ҳолда)	Жисмоний шахсларга тўланган даромадлар*		Шулардан натура шаклида тўланган даромадлар суммаси		6-устундан бўнак (аванс) сифатида тўланган иш ҳақи	ШЖБПХга ўтказилган бадаллар суммаси	Бюджетга ўтказилган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг суммаси (ШЖБПХга бадаллар чегирилган ҳолда)
					жами	шу жумладан солиқ солинадиган	Жами (6-устундан)	шу жумладан солиқ солинадиган			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Чорак бошига қолдиқ	4 042 144	3 245 424	46 050	437 226	x	x	x	x	x	x	x
03.04					2 253 072	2 253 072				46 050	437 226
05.04					1 789 072	992 352					
18.04					900 000	900 000			900 000		

Операцияларни содир этиш санаси (кк/оо)	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ва фуқаролар сугурта бадаллари чегирилган ҳолда ҳисобланган даромадлар суммаси	Шулардан солиқ солинадиган даромадлар	ШЖБПХга ҳисобланган бадаллар суммаси	Бюджетга ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммаси (ШЖБПХга бадаллар чегирилган ҳолда)	Жисмоний шахсларга тўланган даромадлар*		Шулардан натура шаклида тўланган даромадлар суммаси		6-устундан бўнак (аванс) сифатида тўланган иш ҳақи	ШЖБПХга ўтказилган бадаллар суммаси	Бюджетга ўтказилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг суммаси (ШЖБПХга бадаллар чегирилган ҳолда)
					жами	шу жумладан солиқ солинадиган	Жами (6-устундан)	шу жумладан солиқ солинадиган			
30.04	3 778 192	3 618 192	39 227	334 881							
02.05										39 227	334 881
06.05					2 878 192	2 718 192					
16.05					900 000	900 000			900 000		
31.05	4 600 576	4 440 576	49 834	493 986							
03.06										49 834	493 986
04.06					3 700 576	3 540 576					
17.06					900 000	900 000			900 000		
28.06	3 638 524	3 478 524	37 500	308 976							
Жами:	12 017 292	11 537 292	126 561	1 137 843	13 320 912	12 204 192	0	0	2 700 000	135 111	1 266 093
Чорак охирига қолдиқ	2 738 524	2 578 524	37 500	308 976	х	х	х	х	х	х	х

*Ушбу сатрда жисмоний шахсларга тўланган барча суммалар, шу жумладан жисмоний шахсларнинг даромадларини тўлаш учун банкдан олинган суммалар, жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига ва банк ҳисобварақларига ўтказилган суммалар, жисмоний шахсларнинг даромадидан ушлаб қолишлар ва ўтказмалар, моддий наф тарзидаги даромадлар ва натура шаклида тўланган даромад суммаси кўрсатилади.

**Ушбу сатр ўтган чоракнинг «Йил бошидан жами» сатри билан жорий чоракнинг «Жами» сатри йиғиндиси сифатида аниқланади. Биринчи чоракда «Йил бошидан жами» сатрида биринчи чоракнинг «Жами» сатри қиймати кўрсатилади.

Изоҳ:

1. «Чорак бошига қолдиқ» сатрида ўтган чорак учун бўлган Расшифровканинг «Чорак охирига қолдиқ» тегишли устунларидан кўчириладиган суммалар кўрсатилади.

«Чорак охирига қолдиқ» сатрида:

2-устун = «Чорак бошига қолдиқ» сатрининг 2-устуни + «Жами» сатрининг 2-устуни - «Жами» сатрининг 6-устуни;

3-устун = «Чорак бошига қолдиқ» сатрининг 3-устуни + «Жами» сатрининг 3-устуни - «Жами» сатрининг 7-устуни;

4-устун = «Чорак бошига қолдиқ» сатрининг 4-устуни + «Жами» сатрининг 4-устуни - «Жами» сатрининг 11-устуни;

5-устун = «Чорак бошига қолдиқ» сатрининг 5-устуни + «Жами» сатрининг 5-устуни - «Жами» сатрининг 12-устуни.

2. Моддий наф тарзидаги даромадларнинг ҳисобланган (тўланган) суммалари ушбу тўловлар ҳисобланган (тўланган) ой учун ҳисобланган (тўланган) иш ҳақи суммаси билан бир вақтда кўрсатилади. Хизмат сафарига харажатлар учун бўнак тўловини амалга оширишда, нормалардан ортиқча кундалик харажатларнинг ҳисобланган (тўланган) суммалари бўнак ҳисоботи қабул қилинган ой учун ҳисобланган (тўланган) иш ҳақи суммаси билан бирга кўрсатилади.

3. ШЖБПХга бадаллар (4-устун) ва бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг (5-устун) ҳисоблаб чиқарилган суммалари, мазкур тўловлар ҳисоблаб чиқарилган 2-устунда кўрсатилган жисмоний шахсларнинг даромадлари ҳисобланган санага кўрсатилади.

ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМГАРМАСИГА СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ягона ижтимоий тўлов			Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига сугурта бадаллари
		Жами	шу жумладан:		
			умумбелгиланган ставка бўйича	имтиёзли ставка бўйича*	
1	2	3	4	5	6
Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддаси)	010	24 793 810	24 793 810	0	24 793 810

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ягона ижтимоий тўлов			Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари
		Жами	шу жумладан:		
			умумбелгиланган ставка бўйича	имтиёзли ставка бўйича*	
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юридик шахс – Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари (**)	011	0	0	х	х
Ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайдиган тўлов турлари (Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатри) Фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўлов турлари (Ҳисоб-китобга 2-илованинг 010-сатри)	020	0	0	0	0
Солиқ солинадиган база: (010-сатр + 011-сатр – 020-сатр)	030	24 793 810	24 793 810	0	24 793 810
чоракнинг биринчи ойи охирига	0301	16 060 410	16 060 410	0	16 060 410
чоракнинг иккинчи ойи охирига	0302	21 043 810	21 043 810	0	21 043 810
чоракнинг учинчи ойи охирига	0303	24 793 810	24 793 810	0	24 793 810
Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар ставкаси, %	040	х	25	0	6
Ижтимоий жамғармаларга ҳисобланган мажбурий тўловлар суммаси (030-сатр х 040-сатр)	050	6 198 453	6 198 453	0	1 487 629
чоракнинг биринчи ойи охирига	0501	4 015 103	4 015 103	0	963 625
чоракнинг иккинчи ойи охирига	0502	5 260 953	5 260 953	0	1 262 629
чоракнинг учинчи ойи охирига	0503	6 198 453	6 198 453	0	1 487 629
Ҳисобот даври учун ягона ижтимоий тўловнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (Ҳисоб-китобга 3-илованинг 090-сатри), шу жумладан:	060	0	0	х	х
чоракнинг биринчи ойи учун (Ҳисоб-китобга 3-илованинг 0901-сатри)	0601	0	0	х	х
чоракнинг иккинчи ойи учун (Ҳисоб-китобга 3-илованинг 0902-сатри)	0602	0	0	х	х
чоракнинг учинчи ойи учун (Ҳисоб-китобга 3-илованинг 0903-сатри)	0603	0	0	х	х
Ҳисобот даврида тўланиши лозим (050-сатр + 060-сатр), шу жумладан:	070	6 198 453	6 198 453	0	1 487 629
чоракнинг биринчи ойи учун (0501-сатр + 0601-сатр)	0701	4 015 103	4 015 103	0	963 625
чоракнинг иккинчи ойи учун (0502-сатр + 0602-сатр)	0702	5 260 953	5 260 953	0	1 262 629
чоракнинг учинчи ойи учун (0503-сатр + 0603-сатр)	0703	6 198 453	6 198 453	0	1 487 629

Изоҳ:

*Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахслар томонидан имтиёзли ставка қўлланилганида тўлдирилади.

**011-сатрда тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда чет эллик ходимларга тўланадиган даромадлар, бироқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига доир харажатлар умумий суммасининг 90 фоизидан кам бўлмаган миқдорда кўрсатилади.

Берилган мисол маълумотларига кўра ҳисобот чорагида ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоблаб ёзилмайдиган тўловлар амалга оширилмаган. Шу сабабли ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоб-китобига 1 ва 2-иловалар тўлдирилмайди. Бундай тўловлар мавжуд бўлганда солиқ тўловчилар 1 ва 2-иловаларни тўлдиришлари ҳамда ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоб-китоби билан биргаликда тақдим этишлари керак.

**МАЪЛУМОТНОМА-ЯИТнинг ЭНГ КАМ МИҚДОРИ
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
ЯИТнинг энг қам миқдорини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинадиган ходимлар сони	010	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0101	10
чоракнинг иккинчи ойи учун	0102	10
чоракнинг учинчи ойи учун	0103	10
Барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари:	020	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0201	210
чоракнинг иккинчи ойи учун	0202	220
чоракнинг учинчи ойи учун	0203	200
Ҳисобот даврида иш кунлари сони:	030	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0301	22
чоракнинг иккинчи ойи учун	0302	22
чоракнинг учинчи ойи учун	0303	20
ЯИТ нормативи:	040	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0401	79 590
чоракнинг иккинчи ойи учун	0402	79 590
чоракнинг учинчи ойи учун	0403	79 590
ЯИТнинг энг кам миқдори (0501-сатр + 0502-сатр + 0503-сатр):	050	2 351 523
чоракнинг биринчи ойи учун (0201-сатр / 0301-сатр х 0401-сатр)	0501	759 723
чоракнинг иккинчи ойи учун (0202-сатр / 0302-сатр х 0402-сатр)	0502	795 900
чоракнинг учинчи ойи учун (0203-сатр / 0303-сатр х 0403-сатр)	0503	795 900
Ҳисобот даврида ЯИТнинг ҳисобланган суммаси, шу жумладан (0601-сатр + 0602-сатр + 0603-сатр)	060	3 143 350
чоракнинг биринчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобларининг 0501-сатри 4-устуни – аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 050-сатри 4-устуни)	0601	960 000
чоракнинг иккинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 0502-сатри 4-устуни – аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 0501-сатри 4-устуни)	0602	1 245 850
чоракнинг учинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 0503-сатри 4-устуни – аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 0502-сатри 4-устуни)	0603	937 500
Ҳисобот даври учун ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (0701-сатр + 0702-сатр + 0703-сатр)	070	0
чоракнинг биринчи ойи учун (0501-сатр – 0601-сатр)	0701*	0
чоракнинг иккинчи ойи учун (0502-сатр – 0602-сатр)	0702*	0
чоракнинг учинчи ойи учун (0503-сатр – 0603-сатр)	0703*	0
Аввалги ҳисобот даври охирига ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (аввалги Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг 090-сатри)	080	0
Ҳисобот даври охирига ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси, шу жумладан (070-сатр + 080-сатр)	090	0
I ой охирига (0701-сатр + 080-сатр)	0901	0
II ой охирига (0702-сатр + 0901-сатр)	0902	0
III ой охирига (0703-сатр + 0902-сатр)	0903	0

*Агар 3-устуннинг «0601», «0602» ва «0603»-сатрлари қиймати 3-устуннинг тегишинча «0501», «0502» ва «0503»-сатрлари қийматига тенг ёки катта бўлса, 3-устуннинг «0701», «0702» ва «0703»-сатрларида «0» қиймати кўрсатилади.

КЕКСАЛИК УЧУН ЖАМҒАРИШМИ? —

Ўзбекистоннинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида қарийб 9 йил бўлди. Унга «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун (2.12.2004 йилдаги 702-II-сон) асос солди. Қонуннинг 6-моддасига кўра иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир. Яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» қарорига (21.12.2004 йилдаги 595-сон) асосан Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очади, фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олади ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари бўйича ягона маълумотлар электрон базасини юритади.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими қандай ишлаётганлиги тўғрисида мухбиримиз Ольга Кирьякова Халқ банкининг маркетинг бошқармаси бош мутахассиси Рамина РАЖАБОВА билан суҳбатлашди.

— 2014 йилда Ўзбекистоннинг жамғариб бориладиган пенсия тизими ўзининг 10 йиллигини нишонлайди. Шу давр ичида мамлакат учун янги бўлган ушбу ижтимоий институтнинг шаклланиши ва ривожланиши учун нима қилинди?


— Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ягона, барча филиаллари бирлаштирилган автоматлаштирилган электрон базасини барпо этиш учун кўп иш қилди, у ахборотнинг ҳимояланган алмашинувини таъминлапти. 2013 йилнинг 1 июнь ҳолатига ушбу тизимда 7,9 млн киши иштирок этапти. Уларнинг ҳар бири учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилган ва юритилляпти, жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг махсус дафтарчалари тайёрланиб, тарқатилган. Тизим иштирокчилари уларни иш берувчилар орқали олишади. Исталган ҳар бир киши Халқ банки филиалларидан ўз ШЖБПХларида жамғармалар ва уларга ҳисоблаб ёзилган фоизлар тўғрисида аниқ ва батафсил ахборот олишга ҳақлидир.

Зеро, Халқ банки нафақат фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳисобини юритади ва уларга хизмат кўрсатади, балки маблағларни инвестициявий ва кредит захиралари, шунингдек молиявий дастаклар

сифатида самарали жойлаштириш йўли билан улардаги суммаларни кўпайтирмақда ҳам. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига кўра банк шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Уларнинг миқдори банк томонидан Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳамда Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ишловчи фуқароларнинг солиқ солинадиган даромадидан 1%ни ташкил этадиган мажбурий бадаллар улар меҳнат ҳақи суммасини ҳеч ҳам камайтирмайди. Сабаби улар жисмоний шахсларнинг даромадларига ҳисобланган солиқдан чегирилади. Бунинг устига, агар сиз ўз иш ҳақингизнинг бир қисмини ёки унинг ҳаммасини ўзингизнинг ШЖБПХга йўналтиришга қарор қилсангиз, унинг ўтказилаётган қисмига даромад солиғи солинмайди.

— Жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчиси бўлиш учун иш берувчи (ҳодим) Халқ банкига қандай



ҳужжатларни тақдим этиши керак?

— ШЖБПХга ҳисобга қўйиш таомили Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида низомда мустаҳкамланган. Буни иш берувчи ҳам, жисмоний шахснинг ўзи ҳам қилиши мумкин.

Иш берувчи ўзининг барча ходимларини жамғариб бориладиган тизимнинг иштирокчилари сифатида ҳисобга қўйиш шарт. Бунинг учун у Халқ банкининг туман филиалига ишга янги қабул қилинган фуқаронинг паспорт маълумотлари асосида, у ҳали ўз ШЖБПХга эга бўлмаса, белгиланган намунадаги тўлдирилган анкетани тақдим этиши керак.

Агар ходимда ҳисобварақ ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси очилган бўлса, ишга қабул қилинишда у иш берувчига уларнинг нусхаларини тақдим этиши шарт.

Агар топширилган анкетада ҳисобга қўйилиши керак бўлган шахсни ишончли идентификациялаш имконини бермайдиган тушириб қолдиришлар, хатолар ёки тузатишлар аниқланган, ёхуд ягона электрон базада ана шундай анкета маълумотларига эга бўлган шахс аниқланган ҳолларда, Халқ банки филиали анкетани аниқланган хатоларни кўрсатган ҳамда уларни аниқлаштириш ва тузатиш учун сўров юборган ҳолда иш берувчига қайтаради.

Иш берувчи сўров олингандан кейин 3 иш куни мобайнида тузатилган анкетани қайтариши керак. Уни олгач, филиал 5 кун

муддатда ходимни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўяди, унга ШЖБПХ очади ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини расмийлаштиради.

Ҳисобга ихтиёрий равишда қўйишда ходим ўзи яшайдиган тумандаги Халқ банки бўлимига мурожаат қилиши керак. Ҳисобга қўйиш ва сизни қизиқтираётган барча ахборотларни беришни банкнинг туман (шаҳар) бўлимлари амалга оширади. Айни шу ерда шахсга 5 иш куни мобайнида, унинг шахсий имзоси остида жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси берилади.

Омонатчи ҳам, иш берувчи сингари, шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларга, уларнинг суммаси ва киритиш даврларини чегараламаган ҳолда, ихтиёрий равишда қўшимча бадалларини киритиши мумкин. Ана шу ШЖБПХга киритилган маблағларга суммасидан солиқ олинмайдиган фоизлар ҳисобланади.

Жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғининг бир қисми ҳисобига амалга ошириладиган ШЖБПХга мажбурий бадаллар солиқлар ва мажбурий тўловларга тенглаштирилади. Уларни кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай Халқ банкига ўтказиш лозим.

— ШЖБПХга ихтиёрий ажратмалар ва бадалларга яхши имтиёзлар мажбур. Улар қанчалик оммалашган?

2011 йил 21 сентябрда Халқ банки бошқаруви Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва Миллий

телерадиокомпания билан келишган ҳолда ШЖБПХга ихтиёрий бадалларни жалб этиш чора-тадбирлар комплексини тасдиқлади: қайта молиялаш ставкасидан 2 баравар ошадиган йиллик фоиз ставкаси белгиланди, солиқ имтиёзларини тақдим этиш ва аҳоли орасида маблағларни узоқ муддатли жамғариб бориладиган пенсия тизимида жалб этишнинг афзалликлари, жойлаштирилган пул маблағларининг даромаддорлиги ва қайтарилиши кафолатлангани бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Олиб борилган тадбирлар натижаси сифатида бугунги кунда ШЖБПХга ихтиёрий равишда бадаллар ўтказишга кўпчилик интилаётганини кўриш мумкин.

— Жамғарилган маблағларни олиш механизми тўғрисида сўзлаб берсангиз. Омонатчи қандай ҳужжатларни ва қаерга тақдим этиши керак? Қандай муддатда аризалар кўриб чиқилади ва жамғармалар тўлови амалга оширилади? Уларни тўлаш суммаси бўйича бирор-бир чеклашлар мавжудми?

— Қонун ҳужжатларида ШЖБПХдан маблағлар олишнинг икки тури назарда тутилади:

ҳар ойда муайян сумма ҳисобварақдаги маблағлар туғашига қадар тўланади;

жамғармаларнинг ҳаммаси бир йўла тўланади.

Иккала вариантга кўра Халқ банки маблағларни тўлиқ ҳажмда пенсия олиш ҳуқуқига асосан тўлаши шарт. Шуни таъкидлаш жоизки, пенсия таъминоти ҳуқуқини (ёшга доир, ногиронлик ёки боқувчини йўқотганлиги учун, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланмайдиган рўйхатга асосан) олишгача ШЖБПХдаги жамғармалардан фойдаланиб бўлмайди.

Уларни тўлаш «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг «Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш тартиби» деб номланган III боби билан тартибга солинади. Бунинг учун пенсионер бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимига Жамғариб борила-

8-бетда

РЕКЛАМА

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
УЗР АВНнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99899) 187-04-68, (+99899) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*
Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш ва созлаш, 1С Бухгалтерия. Тел. 963-89-58.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

Лазерли принтерларни тўлдириш. Мақбул нархлар. Жойига чиқиш билан. Тел. 127-15-28.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

РЕАЛ ҲОЛ

7-бетда диган пенсия тўловлари олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беришлари тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши керак. Унга олувчининг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси ва давлат пенсияси олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилинади. Агар пенсия ёшга доир ёки ногиронлик бўйича тайинланса, унга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими берган белгиланган шаклдаги пенсия гувоҳномаси илова қилинади.

Ушбу маблағларни тўлаш учун асос бўлиб омонатчи билан унинг яшаш жойидаги Халқ банки филиали ўртасида, пенсия гувоҳномаси ва эгаси шахсан тақдим этадиган жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси асосида тузилган шартнома ҳисобланади.

Агар омонатчининг ўзи ваколатли органларга мурожаат қила олмаса, у тегишли ҳужжатларга асосан вакил (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда) ёки ишончли шахсларнинг хизматларидан фойдалана олади.

Жамғармаларни тўлаш яшаш жойидаги Халқ банки туман бўлимида амалга оширилади. Бироқ алоҳида ҳолларда тўланган маблағлар уйга етказиб берилиши мумкин.

ШЖБПХда жамғарилган маблағлар мерос бўлиб ўтиши мумкин. Бу ҳолда улар меросхўрга бир йўла ва тўлиқ тўланади. Омонатчи республикадан ташқаридаги доимий яшаш жойига кўчиб кетган ҳолда улар муддатидан аввал тўланиши мумкин.

ШЖБПХда жамғарилган маблағлар тугаган ёки тўловларни олувчи шахсий жамғариб борилган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечган, шунингдек давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи йўқотилганда жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўхтатилади.

Халқ банки пенсия жамғармалари ҳисобкитобининг ўз вақтида ва тўғри бўлишини, шунингдек улар олувчиларга тўлиқ берилишини таъминлаши шарт.

– Омонатчи ўзининг ШЖБПХ ҳолати ҳақида қандай қилиб билиши мумкин? Хабардор қилиш тизими мавжудми?

– Бизда йил якунлари бўйича ШЖБПХ ҳисобварақларининг ҳолати тўғрисида хабардор қилиш механизми ишлаб чиқилган. Йил охирида ШЖБПХ ҳолати тўғрисидаги маълумотлар омонатчи ишлаётган корхона бухгалтерига берилади, у хабарномани омонатчига топширади. Хабарномада омонатчининг шахсий ахбороти бўлади, шунингдек унинг ҳисобварағида қайд этилган сумма кўрсатилади.

Омонатчининг анкета маълумотлари ўзгарганда (қайта пропискадан ўтиш, фаолиятини ўзгартириши ва ҳоказо) иш берувчи улар тўғрисида банк ходимларини хабардор қилиши шарт.

Хуллас, ўз жамғариб бориладиган ҳисобварағингизни кузатиб боринг ва унинг ҳолати хусусида қизиқинг, зеро ҳисоб-китоб тартибли бўлгани маъқул!



АГАР ПЕНСИЯ ОРТИҚЧА ТўЛАНСА

Пенсия жамғармаси бўлими пенсиянинг бир қисмини унинг олдидаги қарзни сўндириш учун ушлаб қолишга ҳақлими? Ушланмалар миқдорини ким белгилайди? Пенсия жамғармаси туман бўлимининг ҳаракатлари устидан кимга шикоят қилиш мумкин? Даъво қилиш муддати деган тушунча бор деб эшитгандим. Нима учун уни ушбу ушланмаларга қўллаб булмайди?

Газетхон.

– **Ҳа, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг қарорига биноан** пенсионерга унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри маълумотли ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда **пенсиянинг бир қисми ушлаб қолиниши мумкин. Ҳар ойлик чеғирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас.**

Қарздорлик тўлиқ узилгунга қадар пенсия тўлаш тўхтатилган ҳолларда (масалан, меҳнат қобиляти тикланганлиги туфайли) қолган қарз суд тартибидан ундирилади (3.09.1993 йилдаги 938-ХII-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 65-моддаси биринчи қисмининг «б» банди, учинчи ва тўртинчи қисмлари).

Бироқ, агар пенсионер Пенсия жамғармаси бўлимининг қарорига рози бўлмаса, у ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибидан юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли, улар шикоятни бир ой муддат ичида кўриб чиқиши шарт.

Агар юқори турувчи орган ёки мансабдор шахс шикоятга рад жавоби берса ёки шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ичида жавоб бермаса, фуқаро судга мурожаат қилишга ҳақли (Фуқаролик процессуал кодексининг 26-27-боблари).

Шикоят ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига биноан тегишли равишда ваколат берилган жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг вакили томонидан берилиши мумкин. Шикоят фуқаронинг хоҳишига кўра ўзи яшаб турган жойдаги судга ёки орган ёхуд хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойи жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

Суд шикоятни кўриб чиқиш учун қабул қилиб, қуйидаги ҳаракатларни бажаради:

тегишли органлар ва мансабдор шахслардан зарур ҳужжатларни талаб қилиб олади;

фуқаронинг илтимоси ёки ўзининг ташаббуси билан шикоят қилинган хатти-ҳаракатнинг (қарорнинг) ижросини тўхтатиш масаласини ҳал этади.

Судга фуқарога ўзининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги маълум бўлган кундан эътиборан 3 ой мобайнида шикоят билан мурожаат қилиш керак. Агар фуқаро юқори орган ёки мансабдор шахсга мурожаат қилган бўлса, шикоятини қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисида ёзма маълумот олган кундан эътиборан бир ой мобайнида ёки жавоб олиш учун бир ойлик муддат ўтгандан кейин мурожаат қилади.

Шикоят бериш муддати узрли сабабларга кўра (стационар даволанишда бўлиш, хизмат сафари ва бошқалар) ўтказиб юборилган бўлса, суд бу муддатни тиклаши мумкин (30.08.1995 йилдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги 108-1-сон Қонуннинг 4-6-моддалари).

Судга сиз қарорга рози бўлмаган тақдирдагина эмас, балки ушланмалар суммасини камайтиришни хоҳлаганда ҳам мурожаат қилишингиз мумкин. Яъни сиз умуман олганда қарорга

розисиз, бироқ пулга муҳтожсиз. Муҳтожликни яшаш жойидаги ўзини ўзи бошқариш органи берган ҳужжатлар асосида исботлаш мумкин.

Масалан, агар пенсионер 14 ёшгача бўлган болалар тарбияланадиган, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам оладиган кам таъминланган оила аъзоси бўлса. Мазкур нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори белгиланган ЭКИХнинг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланадиган (ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 8-банди).

Пенсионер ўзи ҳисобда турган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси билан тасдиқланган кўшимча манзилли ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз, кекса, ногирон ҳисобланиши далили ҳам эътиборга олиниши мумкин.

Фуқароларнинг бундай тоифасига ёшидан қатъи назар, алоҳида уй, квартира, ётоқхонада ёлғиз яшайдиган ҳамда қонқариндош ёки асраб олинган болалари, ота-онаси, эри (хотини), васий ёки ҳомийси бўлмаган пенсия ёшидаги (эркаклар – 60 ёш, аёллар – 55 ёш) ва ундан катта ёшдаги республика фуқаролари, I ва II гуруҳ ногиронлари киради. Кўшимча ижтимоий ёрдам берилиши мумкин бўлган муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга қуйидагилар ҳам киритилиши мумкин:

алоҳида яшайдиган, бироқ уларга доимий моддий ёрдам кўрсатиш имконига эга бўлмаган қариндошлари бор шахслар;

болалари ёки ота-оналари, эри (хотини) узоқ муддатли даволанишда ёхуд озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган шахслар;

бирга яшайдиган ва қариндошларга эга бўлмаган шахслар, пенсионерлар ва ногиронлар – эр ва хотин; ногирон бола билан бирга яшайдиган шахслар (АВ томонидан 23.02.2000 йилда 900-сон билан рўйхатдан ўтказилган ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби II бўлимининг 1-банди).

Даъво қилиш муддати фуқаролик ҳуқуқидаги муддат бўлиб, унинг доирасида ўзининг бузилган ҳуқуқи судга ариза тақдим этиш йўли билан ҳимоя қилиниши мумкин. Умумий муддат 3 йилга тенг, бироқ махсус даъво муддатлари: умумий муддат билан таққослаганда қисқартирилган ёки анча узун муддатлар ҳам мавжуд. Даъво қилиш муддати татбиқ этилмайдиган талаблар ҳам бор (Фуқаролик кодексининг 12-боби).

Нима учун пенсиядан ушланмаларга даъво қилиш муддати қўлланмайди? Эҳтимол, мазкур ҳолда пенсионер томонидан ёки ҳуқуқбузарликни содир этишга имкон яратган бошқа шахслар томонидан суиистеъмолликлар оқибатида пенсионернинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари етказган зарарни қоплаш зарурати тақозо этилар (даъво қилиш муддати татбиқ этилмайдиган талабларни белгиловчи Фуқаролик кодексининг 163-моддасига қаранг). Бироқ фикримизча, Пенсия жамғармасига зарар етказишда айбдор шахсни белгилашга тааллуқли тартиб амалдаги қонун ҳужжатларида янада аниқ белгилашни талаб қилади.

Римма СОЛОДОВНИКОВА,
эксперт-юристимиз.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Namkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келвермайди.

Тахририят муштарилар билан ёзилиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан таъёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ
босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс – 186 Буюртма 1059 Агары 2150. Баҳоси келишилган нархда

Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чол этилди.

Газета 2013 йил 15 июлда соат 17.50 да топширилди.

ISSN 2010-5223